



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 3 сентябрь, № 182 (9077)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.



Сўхбат аввалида Россия етакчиси давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини Мустақиллик куни билан самимий табриклаб, фаровонлик, барқарор тараққиёт ва равнақ тилади.

Илгарироқ бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқотлар чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш нуктаи назаридан Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада

кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик суръатини сақлаб қолтиришга қаратилган мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш муҳим экани таъкидланди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда амалга оширишни жадаллаштириш, ҳудудлар ўртасида ва ташкил этилган қўшма саноат парклари доирасида кооперация

алоқаларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Гуманитар соҳада, энг аввало, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларида самарали ҳамкорлик қилинаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россия етакчилари халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

2 сентябрь куни Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг расмий делегациялар аъзолари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги барча шароитларда стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Хитой етакчиси ва дўст Хитой халқини Ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тяньцзинь шаҳридаги саммити муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклади.

Ўзбекистон Президенти ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг глобал бошқарув бўйича ташаббуси ўз вақтида илгари сурилгани ва долзарб аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидлади.

Давлат раҳбарлари ўтган йиллар давомида икки томонлама муносабатлар ривожига катта ютуқларга эришилганини таъкидладилар. Барча даражалардаги алоқалар суръати ошиб бораётгани, сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб, муҳим масалалар юзасидан томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

“Ягона Хитой” сиёсатини қўллаб-қувватлаш ҳамда “уч ёзуз куч” — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш масалаларида Ўзбекистоннинг позицияси ўзгармас экани таъкидланди.

Савдо-иқтисодий, технологик ва молиявий-инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Ўтган йили товар айирбошлаш 14 миллиард доллардан ошди, йил бошидан эса яна 23 фоизга ўсди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб бериш орқали бу кўрсаткични

20 миллиардга етказиш вазифаси турибди.

Инвестиция лойиҳалари портфели 60 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда. 2024 йилда умумий қиймати 10 миллиард доллардан ортиқ 64 та лойиҳа ишга туширилган. Мамлакатимиз ҳудудларида қўшма технопарклар ва махсус индустриал зоналар фаолият юритмоқда, “BYD” электромобилларини ишлаб чиқариш кенгайтирилмоқда ва маҳаллийлаштириш даражаси оширилмоқда.

Ташриф арафасида бизнес-форум муваффақиятли ўтказилди. “Яшил” энергетика ва энергия самарадорлигини ошириш, жамоат транспортини модернизация қилиш ва рақамлаштириш, пуллик автомобиль йўлларини барпо этиш, муҳим минералларни чуқур қайта ишлаш, шунингдек, кимё, сув ва қишлоқ хўжалиги, туризм ва шаҳарсозлик соҳаларида истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Эксимбанк, Хитой давлат тараққиёт банки, “Ипак йўли” жамғармаси ва бошқа институтлар билан кенг қўламли шериклик кенгаймоқда. Эксимбанк кўмағида яқинда Тошкентда Олимия шаҳарчаси қуриб битказилди.

Ҳудудлараро алмашинувлар фаоллашгани юқори баҳоланди. Хитой тажрибаси асосида мамлакатимизда камбағалликка барҳам беришга қаратилган қўшма тадбирларни амалга оширишда экспертлик кўмағи давом эттирилди.

Инновацион лойиҳаларни илгари суриш ва мутахассислар тайёрлаш учун Ўзбекистон — Хитой сунъий интеллектни ривожланти-

риш марказини ташкил этиш таклиф қилинди.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон стратегик темир йўли қурилишининг амалий босқичи бошлангани мамнуният билан қайд этилди.

Илм-фан, тиббиёт, таълим ва туризм соҳаларидаги шерикликни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Мамлакатимизда Шимоли-Ғарбий қишлоқ ва ўрмон университетининг филиали ҳамда Халқаро математика маркази очилди. Сиянь нефть университети филиалини очиш режалаштирилган.

Жорий йилда Ўзбекистонда иккинчи Таълим форуми ўтказилди. Хитой тилини ўрганишни кенгайтириш ва ўзбекистонлик ёшларни ўқитиш учун квоталарни кўпайтириш, Конфуций институтлари фаолиятини ривожлантириш қўллаб-қувватланди.

Мамлакатимиз ҳудудларида энергетика, машинасозлик, сунъий интеллект, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги соҳалари учун мутахассислар тайёрлайдиган Ўзбекистон — Хитой “Лу Бань устaxonлари”-ни ташкил этиш кўзда тутилган.

Сайёҳлар алмашинуви ўсиши учун шароит яратиш мақсадида авиақатновлар сони оширилмоқда, икки мамлакат ўртасида визасиз тартиб жорий этилди.

Шу кунларда Хитой Миллий музейидаги катта кўргазмада Ўзбекистон ҳам қатнашмоқда. 2027 йилда Шанхай ва Пекинда санъат кўргазмаларини ўтказиш режалаштирилган.



МАМЛАКАТИМИЗ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ВА УСТОЗ-МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!
Хурматли устоз ва мураббийлар!
Муҳтарам ота-оналар!

Аввало, сиз, азизларни юртимиздаги 10 мингдан зиёд мактабларда Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллик байрамига уйғун ҳолда ўтаётган Билимлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод етказаман.

Ушбу шукуҳли айёмда “Биринчи кўнғироқ”лар жаранги остида илк бор мактаб остонасига қадам қўяётган 720 мингдан ортиқ ўғил-қизларимиз ва набираларимизни, уларнинг ота-оналарини алоҳида қўллаб, ўзимнинг энг эзгу тилакларимни изҳор этишдан гоёта мамнунман.

Ҳеч шубҳасиз, кейинги йилларда бутун юртимиз каби мактабларимиз қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, улар том маънода Янги Ўзбекистон тимсолига айланиб бораётгани барчамизни чек-

сиз қувонтиради. Чунки мактаб қанчалик обод ва чарогон бўлса, жамият ҳаёти шунчалик фаровон, мазмунли ва маърифатли бўлади.

Шу маънода, мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнлари тобора тақомиллашиб бораётгани, ҳар йили қўллаб-янги ўқув масканлари барпо этилаётгани, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, мактаб иши умумхалқ ҳаракатига айлангани — кейинги даврда эришган энг катта ютуқларимиздан бири, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, кўзлари илмга ҳавас ва ҳаяжон билан қақнаб турган сиздек азму шижоатли ёшларимизга юксалиш ва камолот, бахт ва саодат эшикларини очиб берадиган муқаддас даргоҳ — мактабларимиз равақида биз халқимиз, миллатимизнинг

ёруғ келажагини кўрамиз. Бугунги кунда ўз олдимизга қўяётган катта-катта мақсадларга эришишнинг асосий омили, бош қалитини, аввало, таълимда, мактабларимизда, деб биламиз.

Сўнгги йилларда ўқувчи ёшларимиз хурмати устоз ва мураббийлари билан биргаликда ана шундай юксак эътиборни чуқур ҳис этиб, ўқишда, ижодда, спортда, жамоат ишларида муҳим ғалабаларни қўлга киритаётгани бизга албатта қўшимча куч-ғайрат, илҳом ва ишонч бағишлайди.

Қўллаб мактаб битирувчилари мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртлари билан бирга хориждаги етакчи университетларга юқори балл билан ўқишга кираётгани, ҳаётда ўз муносиб ўрнини топиб, Янги Ўзбекистон тараққиётига улкан ҳисса қўшаётгани

ҳаётимизда мактабнинг, устоз-мураббийларнинг аҳамияти янада ортиб бораётганини кўрсатади.

Ишончим комил, сиз, азизлар ана шундай эзгу аъёнларни муносиб давом эттирасиз ва юксак босқичга кўтарасиз.

Ҳеч қачон унутманг, мактаб — бу мўъжиза, китоб, устозлар ўтадиган ҳар бир дарс — беқийс хазинадир. Олдингизга аниқ мақсад қўйиб, бор куч-ғайратингиз, билим ва қобилиятингиз билан ҳаракат қилсангиз, кўзлаган марраларга албатта етасиз.

Бу йўлда сизларга сийҳат-саломатлик, ютуқ ва зафарлар тилайман.

Янги ўқув йили барчангизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

СЕНАТНИНГ НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисини жорий йил 4 сентябрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилиш

Ялпи мажлис кун тартибига “Масъулият чекланган жамиятлар тўғрисида”ги, “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги,

“Ноширлик фаолияти тўғрисида”-ги қонунлар киритилган.

Шунингдек, ЖСТга аъзо бўлиш жараёнлари янада жадаллаштирилиши, кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизими, ёқилғи-

энергетика соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш чоралари тақомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларига транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қатор қонунларни муҳокама қилиш ҳам режалаштирилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси очирилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2025 йил 4 сентябрь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишнни бошлайди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

ГЛОБАЛ МУЛОҚОТЛАРДА ЭЗГУ ТАКЛИФ ВА ҒОЯЛАР Қўллаб-қувватланди

Сўнгги йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти жаҳон ҳамжамияти учун муҳим сиёсий ва иқтисодий платформага айланди, десак, янглишмаймиз. Ташкилотда қабул қилинаётган қарорлар халқаро муносабатларнинг йўналишини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фикр

Ўзбекистоннинг ШХТдаги иштирокида прагматизмга катта эътибор қаратилмоқда. Яъни республика доирасида ташкилот томонидан кўп томонлама шерикликни ривожлантиришга қаратилган, сиёсий-мафкурaviй мақсадлардан холи бўлган таклифлар ва ташаббуслар илгари сурилмоқда. Улар мамлакатнинг миллий манфаатларига ҳамда минтақада барқарорлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларига мос келувчи муҳим соҳаларни қамраб олади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тяньцзинь шаҳрида ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси ва “ШХТ плюс” форматдаги учрашувда илгари сурган ташаббуслари нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақа ва

жаҳон учун катта аҳамият касб этди.

Хусусан, ШХТ институтлари самарадорлигини ошириш ва уни Глобал Жануб давлатлари ҳисобига кенгайтириш ташаббуси илгари сурилди. Бу бежиз эмас. Чунки замонавий дунёда изоляция эмас, балки кенгайиш ва мулоқот орқали муваффақиятга эришиш мумкин. Глобал Жануб давлатларининг қўшилиши эса ШХТни халқаро майдонда янада нуфузли, таъсирчан кучга айлантиради.

Иқтисодий, интеллектуал, ресурс ва технологик йўналишларда улкан салоҳиятга эга бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро майдонда ўз таъсирини изчил кенгайтириб бормоқда. Глобал ноаниқлик қузатилаётган ҳозирги шароитда бу муҳим аҳамиятга эга.



ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ташриф доирасида Ўзаро маданият марказларини очиш тўғрисида тарихий битим қабул қилинади.

Учрашувда халқро кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ШХТ, “Марказий Осиё — Хитой” формати ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасидаги мувофиқлашув ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон етакчиси Хитой раҳбарини мамлакатимизга ташриф билан келишга таклиф этди. Учрашув ҳар доимгидек ишонч, очиқлик ва дўстлик руҳида ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Пекин шаҳрида бўлиб ўтган музокаралари якунида имзоланган икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлди. Шу жумладан:

- “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва “Бир макон, бир йўл” ташаббусини ўзаро боғлаш бўйича ҳамкорлик дастури;
- Маданият марказларини ўзаро таъсис этиш тўғрисида битим;
- Тиббий хизматлар соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим.

Бундан ташқари, ташриф доирасида қуйидаги келишувлар ҳам имзоланди:

- Ўзбекистонга земснарядлар (техник кема) бериш лойиҳасининг иккинчи босқичини лойиҳалаштириш бўйича;
- техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида;
- мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- Ўзбекистондан Хитойга қовун ва бодом экспорт қилишда фитосанитария талаблари тўғрисида;
- космик фанлар, технологиялар ва космик фаолият натижаларидан тинчлик мақсадларида фойдаланишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида;
- рақобат сиёсати соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

Кўшма лойиҳалар портфели 60 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда.

Бу галги ташрифга тайёргарлик доирасида “яшил” энергетика, геология, кимё, нобё металлларни чуқур қайта ишлаш, кўмир кимёси, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва рақамлаштириш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, уруғчилик, агровольтаика соҳаларида янги лойиҳа таклифлари шакллантирилди.

Илмий тадқиқотлар ва истиқболли стартапларни илгари суриш мақсадида Ўзбекистон — Хитой сунъий интеллектни ривожлантириш марказини ташкил этиш таклиф қилинди.

Хитойнинг етакчи банк-молия институтлари билан амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Камбағалликка қарши курашиш бўйича махсус қуйи кўмита йиғилиши ва жорий йилда Ўзбекистонда ўтказилаётган иккинчи Худудлар форуми якунларига юқори баҳо берилди.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон стратегик темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича Ўзбекистон пудрат ташкилотларини жалб этган ҳолда амалий ишлар олиб боришмоқда.

Бу галги ташриф доирасида Маданият марказларини ўзаро очиш тўғрисида битим имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

Чунцин шаҳрида илк бор Касбхунар таълими форуми ўтказилди, ушбу йўналишда “Ўзбекистон — Хитой альянси” тузилди. Ўзбекистон худудларида “Лу Бань устахоналари” очилади.

Тошкент ва Самарқанддаги Конфуций институтлари самарали фаолият юритаётгани таъкидланди.

Томонлар авиақатновлар сонини янада кўпайтириш ва сайёҳлар алмашинувини фоллаштириш муҳимлигини қайд этилди.

Яқунда Президентимиз ХХР Давлат кенгаши Бош вазирини расмий ташриф билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари Хитойга расмий ташрифининг ишбилармонлик дастури доирасида ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда “China Gold”, “China Coal Resources”, “China Datang Corporation”, “Tianjin Rail Transit Group”, “Poly Changda”, “Tianjin Urban Construction”, “Jinchuan Group”, “China Synfuels”, “Jinchuan”, “ST Wonderful”, “Mizuda”, “World Agriculture”, “Dongzhu Ecology” ва бошқа компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз Хитой бизнесининг Ўзбекистонга қизиқиши ҳар доимгидек юқори эканини мамнуният билан қайд этди. Ўтган йилнинг ўзида инвестициялар ҳажми 10 миллиард доллардан ошди.

Учрашувда энергетика, геология, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, кимё, заргарлик саноати, жамоат транспортини модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш ва туризм соҳаларида кооперация лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хитойга расмий ташрифининг ишбилармонлик дастури доирасида “China National Building Materials” (CNBM) компанияси директорлар кенгаши раиси Чжоу Юйсянини қабул қилди.

Хитойнинг “CNBM” компанияси қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш, муҳандислик-техник ечимларни тақдим этиш бўйича энг йирик конгломератлардан бири сифатида дунё компанияларининг “ТОП — 500” таглигига кирди.

Учрашувда компания томонидан насос станцияларини модернизация қилиш, шамол ва қуёш электр станциялари, энергияни сақлаш тизимларини қуриш, муқобил энергетика объектилари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режа-

лари кўриб чиқилди. Хитой компаниясининг юртимиз саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича дастурда иштирок этишига алоҳида эътибор қаратилди.

Эришилган келишувларни жадаллаштириш ва амалга ошириш учун алоҳида “Йўл харитаси”ни қабул қилиш топширилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари “China National Petroleum Corporation” (CNPC) компанияси директорлар кенгаши раиси Дай Хоуляни қабул қилди.

Хитой миллий нефть-газ корпорацияси углеводород хомашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича юқори технологик лойиҳаларни мамлакат ичида ва ташқи бозорларда амалга оширишга ихтисослаштирилган дунёнинг энг йирик энергетика компанияларидан биридир. Компаниянинг бозор капиталлашуви 200 миллиард доллардан зиёд.

Учрашувда “CNPC”нинг мамлакатимизга қиритган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 5 миллиард доллардан ошгани таъкидланди.

Хитой компанияси билан инвестициявий ҳамкорлик портфелини кенгайтириш ва ер ости табиий газ сақлаш иншоотларини қуриш, инфратузилмани модернизация қилиш, замонавий метрологик стандартлар ҳамда инновация ечимларни жорий қилиш лойиҳаларини илгари суриш режалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Пекин шаҳрига ташрифи доирасидаги ишбилармонлик учрашувларининг навбатдагиси “China National Nuclear Corporation” (CNNC) раиси Шэн Янфень билан бўлди.

Хитой миллий ядро корпорацияси фуқаролик ядро дастурлари соҳасидаги энг йирик давлат корхонасидир. Компания уранин қидириш ва бойитишдан тортиб Хитой ва хорижда атом электр станцияларини қуришгача бўлган лойиҳаларнинг тўлиқ занжирини амалга оширади.

Учрашув аввалида давлатимиз

раҳбари “CNNC” раиси ва жамоасини Хитой атом саноатининг 70 йиллиги билан қутлади.

Мулоқот давомида Ўзбекистонда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Хитой компаниясининг замонавий технологиялар трансфери ва уран конларини ўзлаштиришдаги иштироки, истиқболли майдонларда геология-қидирув ишларини олиб бориш, шунингдек, тинч атом соҳасида кооперацияни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хитойга расмий ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Henan Investment Group” компанияси бош директори Чжу Хунбин билан учрашув ўтказди.

Хитойнинг энергетика ва инфратузилмани ривожлантириш соҳасидаги етакчи компанияларидан бири бўлган “Henan Investment” қурилиш, саноат, энергетика, экология ва соғлиқни сақлаш соҳаларида лойиҳаларни амалга оширмоқда. Компания активлари 50 миллиард доллардан зиёд.

Ўзбекистонда кўмир конларини ўзлаштиришда илғор технологик ечимларни жорий қилиш, замонавий электр станциялари, энергия сақлаш тизимларини лойиҳалаштириш ва қуриш, биомассулотлар ишлаб чиқариш, чикиндиларни қайта ишлаб, тоза энергия ишлаб чиқариш бўйича кооперация лойиҳаларининг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Хитой компанияси иштирокидаги лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш учун алоҳида “Йўл харитаси”ни қабул қилиш бўйича топшириқ берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ — ШҲТ КЕЛАЖАГИГА ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Халқаро экспертлар Ўзбекистон Президентининг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасидаги тадбирлардаги нутқлари ҳақида

Антонио АЛОНСО, Сан-Пабло университетси профессори, Марказий Осиё митактака бўйича мутахассис (Испания):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган ШХТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги мазмунли ва серқирра нутқи учун миннатдорлик билдираман. Унинг ҳар бир таклифи нафақат декларатив, балки амалий характерга эга бўлиб, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ташкилот фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.

Биринчидан, Ўзбекистон Президентининг хавфсизлик соҳасидаги ташаббусларини алоҳида таъкидлаш керак. ШХТнинг Ядро хавфсизлиги бўйича декларациясини қабул қилишга қачирқў Ўзбекистоннинг глобал барқарорлик масалалари юзасидан масъулиятли позициясини акс эттиради. Бу нафақат БМТ шафелигида ядровий қуролларни тарқатмаслик режимини мустаҳкамлайди, балки барқарор тароққет манфаатларини йўлида тинч атом энергетикасини ривожлантириш учун замин яратади. Бундан ташқари, “ШХТ — Афғонистон” мулоқот гуруҳи фаолиятини қайта тиклаш таклифи стратегик аҳамиятга эга. Ушбу мулоқот гуруҳи ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича кўшма ёндашувларни ишлаб чиқиш ва афғон жамаияти билан мулоқотда бўлиш имконини беради, бу эса, шубҳасиз, митактанинг умумий хавфсизлигига таъсир қилади.

Иккинчидан, иқтисодиёт ва инновациялар соҳасидаги таклифлар ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муҳим материаллар митактавий маркази, энергетика консорциуми ва венчур компаниялар тармоғининг ташкил этилиши илмий-техникавий тараққийнинг тубдан янги истиқболларини очади. Бу қадамлар ШХТни ҳақиқий саноат кооперацияси ва технология ютуқ платформасига айлантиради. “ШХТ Ягона транспорт макони”ни шакллантириш ва уни “Бир макон, бир йўл” ташаббуси билан уйғунлаштиришга қаратилаётган эътибор митактанинг логистикавий ўзаро боғлиқлигини узокни қўлаб тушунишни акс эттиради ва савдонинг барқарор

рор ўсиши учун замин яратаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Учинчидан, гуманитар ҳамкорлик соҳасидаги ташаббуслар ҳам жуда муҳим. Халқаро халқ ижодиёти фестивалини ўтказиш, “ШХТ университети”нинг онлайн-кампусини ишга тушириш, сайёҳлик йўлагини ривожлантириш гоёлари эътирофга лойиқ. Булар “халқ дипломатияси” институтини мустаҳкамловчи, билим, маданий бойликлар алмашинуви учун шарт-шароит яратувчи ва иштирокчи давлатлар ўртасида чинакам ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантирадиган лойиҳалардир.

Президент Шавкат Мирзиёев нутқида халқаро вазиятнинг чуқур таҳлили ва амалий ечимлар узвий муассамлашганини алоҳида таъкидламоқчиман. У замонамизнинг асосий муаммолари — ўзаро ишонч инқирози, кўп томонлама институтларнинг заифлашуви, жаҳон иқтисодиётининг парчаланишини тўғри белгилаб берди ва уларни бартарарф этишининг аниқ йўлларини таклиф қилди.

Шу тарика Ўзбекистон Президенти узокни кўра олиш, сиёсий етуқлик, адолат ва ҳамжиҳатлик гоёларига садоқатини намён этди. Унинг ташаббуслари нафақат ШХТнинг асосий халқаро ташкилот сифатидаги нуфузини мустаҳкамлаш, балки бутун Евроосиё маконини ривожлантиришнинг янги йўналишларини белгилашга қодир.

Саид ЭЛБАННА, Қатар университетси қошидаги Тадбиркорлик ва ташкилий маҳорат маркази директори:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Раиси Си Цзиньпин таклифига биноан Хитойга расмий ташрифи, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган мажлиси ва “ШХТ плюс” форматидagi саммитида иштирок этиши эксперт ва таҳлилий диоралар томонидан стратегик аҳамиятга эга воқеа сифатида баҳоланмоқда.

Қатар университетининг бизнес соҳасидаги мутахассиси сифатида ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистон Президентининг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган “ШХТ плюс” саммитидаги иштирокига алоҳида эътибор қаратиш

керак, деб ўйлайман. Ушбу формат ШХТнинг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан мулоқотини кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг транспорт йўлакларини, озик-овқат хавфсизлиги ва “яшил” энергетика соҳасидаги ташаббусларини илгари суриш учун имкониятларни очиб бериши, шубҳасиз.

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга ташрифи ХХР билан стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг митактавий ва глобал жараёнлардаги ролинини оширишга хизмат қилади.

Виктор КИМ, Тожикистон Миллий фанлар академиясининг Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти илмий ҳодими:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг изчил, антиқий ўзаро боғлиқ сиёсати ички ҳамда ташқи сиёсатда ижобий натижаларга эришиш имконини берди. Буни унинг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисларида сўзлаган нутқларида ҳам кўришмиз мумкин.

У Тяньцзиньда Ўзбекистоннинг муаммоларини биргаликда ҳал этишга қаратилган ва ривожланиш истиқболларини аққол намён қилган ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон етакчиси, аввало, ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларда “Шанхай руҳи” мавжудлигини буюк Конфуцийнинг “Узингни қарор топтириш, бошқаларга ёрдам бериш, муваффақиятга интилиш, бошқаларнинг муваффақиятига хисса қўиш” деган ҳикматли сўзлари орқали тасдиқлади. Жаҳондаги хавфсизлик масалаларига тўхталиш, ШХТнинг ядровий хавфсизлик йўлида кўп томонлама шериклиكنи мустаҳкамлаш декларациясини қабул қилишни таклиф этган Президент Шавкат Мирзиёевга муаммоларга глобал ёндашиш ҳамisha хосдир.

Жаҳон иқтисодиётидаги мавжуд тенденциялар фонида Ўзбекистон савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга қатта аҳамият қаратмоқда. Ўзбекистон раҳбари, аввало, ШХТнинг улкан маконининг транспорт-транзит салоҳиятидан Шимол — Жануб ва Шарқ — Ғарб йўналишларида фойдаланиш муҳимлигига эътибор қаратади. Шу билан бирга, Форс



Ма БИН, Фудан университети ҳузурдаги Россия ва Марказий Осиё тадқиқотлари маркази директори ўринбосари (Хитой):

— Ўзбекистон ШХТ доирасида тобора муҳим роль ўйнамоқда. Мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги стратегик таътишлар ва чуқур ўзгаришлар нафақат унинг ривожланиши, барқарорлиги ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш билан бевосита боғлиқ, балки митактавий ҳамкорликнинг бутун архитектураси ва ривожланиш йўналишларига тобора чуқур таъсир кўрсатмоқда. Ўсиб бораётган геосиёсий нотинчлик ва халқаро тартиб ўзгаришлари муҳитида Ўзбекистоннинг стратегик танлови ва ташқи сиёсий йўналишлари нафақат миллий, балки митактавий аҳамиятга эга бўлиб, ШХТнинг келажадаги ривожланиш йўли ва самарадорлигини кўп жиҳатдан белгилаб беради.



Митактавий етакчилиكنинг изчил мустаҳкамланиши Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги дипломатик ўзгаришлари ва ривожланишининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Митактавий масалалар ва кўп томонлама механизмларда иштирок этиш, яхши қўшничилик ва митактавий интеграцияни фаол илгари суриш мамлакатнинг Марказий Осиёдаги таъсири ва жозибдорлигини сезиларли даражада оширди. Ушбу ижобий силжиш Ўзбекистоннинг ШХТ доирасидаги салмоғи ва иштирокини кенгайти-

риб, кун тартибинини шакллантириш, қоидалар ва қарорлар қабул қилиш жараёнларида самаралироқ иштирок этиш, шу орқали митактавий ҳамкорликка янада прагматик ечимларни жорий қилиш имконини берди. Ўзбекистоннинг митактавий низолага ечим топиш, мулоқот ва маслаҳатлашувларни ривожлантиришдаги конструктив роли барча иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Ўзбекистон терроризмга ва экстремизмга қарши курашиш, чегараларни бошқариш ва киберхавфсизлик каби соҳаларда бой ва қимматли тажриба тўплаган, хавфсизлик соҳасида ШХТ ҳамкорлигини ривожлантириш учун муҳим амалий мисол ва моделларни тақдим этган. Жумладан, Ўзбекистон томонидан таклиф қилинган митактавий асилтерор ахборот алмашиш платформасини ташкил этиш ва чегара назорати бўйича ҳамкорликни қучайтиришга оид ташаббуслар аъзо давлатлар томонидан яқдил қўллаб-қувватланди. Бу ташаббуслар ШХТ ҳамкорлигини янада прагматик ва самарали йўналишда ривожлантиришга туртки бўлди. Бундай аниқ қадамлар нафақат митактадаги хавфсизликнинг умумий даражасини оширди, балки иштирокчи давлатлар ўртасида сиёсий ўзаро ишонч ва стратегик мувофиқликни мустаҳкамлади.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлиكنинг ҳаракатлантирувчи қучи сифатидаги роли муттасил мустаҳкамланиб, кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон тизимли иқтисодий ислохотлар ва очиқлик стратегиясини амалга ошириш билан бир қаторда, глобал ва митактавий иқтисодиётни бошқаришда ҳам фаол иштирок этмоқда. Шу орқали ШХТ доирасидаги митактавий иқтисодий ҳамкорликка янги динамика ва туртки бағишламоқда.

Ўзбекистон ШХТ доирасида аъзо давлатлар ўртасида ўзаро мулоқот, тушуниш ва сиёсатни мувофиқлаштиришга қўмаклашувчи, шунингдек, кўшма консенсус ҳамда амалий ечимларни шакллантиришга хисса қўшувчи координатор ролинини ўйнайди.

Ўзбекистоннинг барча томонлар манфаатларини мувозанатлаш ва энг олий умумий хусусиятни излаш қобилиятида намён бўлган дипломатик донолиги мураккаб халқаро шароитда ШХТнинг бирлигини, ҳамкорлигини ва барқарор ривожланишини сақлашга салмоқли хисса қўшди.

«Дунё» АА.

СЕНАТНИНГ НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



Шу билан бирга, ялпи мажлисда сенаторлар томонидан парламент назорати доирасидаги қатор масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Хусусан, Бош прокурорнинг прокуратура органларининг 2024 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза тингланди.

Бундан ташқари, ялпи мажлис кун тартибидан Самарқанд вилоятининг айрим ҳудудлари чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала муҳокамаси ҳамда талабалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ўқувчиларни сифатли дарсликлар билан таъминлаш юзасидан парламент сўровлари юбориш масалалари ҳам ўрин олган.

Ялпи мажлис доирасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва соҳада илм-фан ютуқларини жорий этиш бўйича юборилган парламент сўрови натижаларини муҳокама қилиш, шунингдек, Олий суд таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилади.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Витебск шаҳрида ўтаётган бизнес-форум доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши Раиси Наталья Кочанова билан учрашди.

Учрашув

Мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳада ва парламентлар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, икки мамлакат етакчилари ўртасидаги мулоқот ҳамда олий даражадаги ташрифлар давлатлараро муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми охириги йилларда 5 баробарга ошди. Саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида кўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Маданий-гуманитар соҳада “Шарқ

тароналари”, “Славянский базар” каби фестиваллар ўтказиш орқали алоқалар кучайгани таъкидланди. Таълим йўналишида 45 та олий ўқув ташкилоти ҳамкорлиги йўлга қўйилиб, уларда икки мингдан ортқ талабалар тахсил олмақда.

Парламентлараро йўналишида ташрифлар, кўшма форумлар ва комиссия фаолияти изчил давом этмоқда. Жорий йилда “Дўстлик гуруҳи” ҳамкорлик бўйича парламентлараро комиссияга айлантирилгани муҳим қадам сифатида баҳоланди.

Учрашув якунида парламентлараро ҳамкорликни ривожлантиришга доир ҳужжатлар имзоланди.

«Халқ сўзи».

ЕНГИЛ САНОАТ СОҲАСИДАГИ МАСАЛАЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Беларусь Республикасига расмий ташрифи доирасида мамлакат енгил саноатининг етакчи корхоналаридан бири — “Марко” чарм-пойабзал комбинатига ташриф буюрди.

Танишув

Делегация комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватлари, замонавий технологик ечимлари, қўлланиладиган материаллар ва маҳсулотлар асортименти билан танишди. Шунингдек, пойабзал, тўқимачилик ва атторлик буюмларининг кенг асортиментини ўз ичига олган тайёр маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди, улар орасида янги коллекциялар ҳам, экспортга мўлжалланган моделлар ҳам бор.

“Марко” корхонасида енгил саноатнинг турли сегментлари — тўқимачиликдан тортиб, чарм-пойабзал

ҳамда тикувчилик йўналишларига 60 дан ортқ саноат, савдо ва илмий ташкилотларни бирлаштирган “Беллегрпром” давлат концерни фаолияти тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Беларусь томони вакиллари концерннинг экспорт стратегияси, инновацион технологияларни жорий этиш, халқаро брендлар билан ишлаш тажрибаси ҳақида батафсил маълумот берди.

Илмий ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. 2019 йилдан эътиборан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Қорақалпоқ давлат университети ва Витебск давлат тех-

нология университети ўртасида кўшма дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Сўнгги икки йилда ўзбекистонлик ўнлаб талабалар кийим-кечак, пойабзал яратиш ва тўқимачилик технологиялари йўналишларини таъминлади. Ўз навбатида, кўшма материаллар эълон қилиниши, ўзбекистонлик олимларнинг тахририят хайбатларида иштирок этиши, талабалар грантлари ва лойиҳалари, жумладан, экологик тоза полимер-тўқимачилик материалларини яратиш бўйича илмий ташаббуслар ҳам фаол ривожланмоқда.

Танишув жараёнида, шунингдек, икки йил муддатга мўлжалланган янги кўшма илмий лойиҳани амалиётга татбиқ қилишга ҳам тайёргарлик кўрилаётгани эътироф этилди.

«Халқ сўзи».

БИЗНЕС-ФОРУМ ДОИРАСИДА ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАРДА БИР ҚАТОР КЕЛИШУВЛАРГА ЭРИШИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Беларусь Республикасига расмий ташрифи доирасида “Ўзбекистон — Беларусь” ҳамкорлик барқарор ривожланиш омилли сифатида” мавзуга бағишланган икки мамлакат тадбиркор аёлларининг учинчи бизнес форуми ўтказилмоқда.

Форум

Форум иштирокчилари турли секцияларга бўлинган ҳолда икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, янги лойиҳа ва ташаббуслар амалга ошириш масалаларини муҳокама қилмоқда.

Жумладан, “Енгил саноат: Ўзбекистон ва Беларусь ҳамкорлигининг янги йўналишлари” мавзусида бўлиб ўтган секцияда икки мамлакат парламентлари аъзолари, тегishли вазирлик ва идоралар ҳамда тўқимачилик, чарм-пойабзал ва дизайн соҳаларида фаолият юритаётган тадбиркорлар иштирок этди.

Тадбир давомида тадбиркор аёллар енгил саноатни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, замонавий технологияларни жорий этиш ва экспорт салоҳиятини ошириш борасида тажриба алмашди.

Мамлакатларимиз ўртасида илмий тадқиқотлар, таълим, дизайн ва бозор

талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни кучайтириш истиқболларига ҳам эътибор қаратилди.

Шунингдек, “Машинасозлик комплексида ҳамкорлик истиқболлари” мавзусида бўлиб ўтган секция йиғилишида икки мамлакатнинг тегishли вазирлик ва идоралари, йирик саноат компаниялари вакиллари ҳамда ишбилармон доиралари қатнашди.

Унда автомобилсозлик ва машинасозлик тармоқларининг ривожланиш тенденциялари, хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмлари, саноат кооперациясини кучайтириш борасидаги имкониятлар атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбиркор аёллар бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш тажрибаси, қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш ва етказиб беришдаги шериклик истиқболлари, шунингдек, кабель маҳ-

сулотлари ишлаб чиқариш бўйича кўшма лойиҳа ташаббуслари илгари сурилди.

Секция якунида икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ишлаб чиқаришда рақобатбардош ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар яратиш бўйича аниқ таклифлар билдирилди.

Шу кўннинг ўзида Витебск шаҳрида икки мамлакат тадбиркор аёлларининг учинчи бизнес форуми доирасида “Ўзбекистон ва Беларусь: туризм соҳасида бизнес-ҳамкорлик” мавзусида секция йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбир давомида иштирокчилар туризм соҳасини барқарор ва ўзаро манфаатли ривожлантириш, ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда кадрлар тайёрлаш масалаларида ўзаро фикр алмашди.

Хусусан, халқаро бозорларда кўшма сайёҳлик маҳсулотларини реализация қилиш, ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўртасида тажриба алмашувини кенгайтириш ва туризм соҳасига рақамли технологияларни жорий этиш, жумладан, ягона туристик ахборот-тахлилий портал яратиш каби ташаббуслар илгари сурилди.

Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларида ва Бе-

ларуснинг диққатга сазовор жойлари ва ўзига хос туристик масканларида сайёҳлик йўналишларини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Секция йиғилиши якунида Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ва Беларуснинг Туризм саноати республика иттифоқи ўртасида Туризм соҳасида 2026 — 2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик чора-тадбирлари бўйича “Йўл харитаси” имзоланди.

Бизнес-форум доирасида “Ўзбекистон — Беларусь: таълим, фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларида икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари” мавзусида бўлиб ўтган секция мажлисида икки мамлакат ҳокимият органлари, университетлари, илмий ва тиббиёт марказлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилиш давомида университетларнинг ўзаро ҳамкорлиги, технологик ривожланишда илм-фаннинг ўрни, фармацевтика саноатининг истиқболлари, оналар ва болалар саломатлиги, шунингдек, тиббиёт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш масалалари диққат марказида бўлди.

Ўзга чиққанлар таълим дастурларининг интеграцияси ва тажриба алмашиш, умумий билимлар маконини шакллантириш, бунда таълим сифати-

ни ошириш, кўшма тадқиқотларни ривожлантириш ва илгор тиббий технологиялар жорий этиш муҳимлигига ургу берди. Хотин-қизларнинг илм-фандаги ўрни, халқаро лойиҳалардаги иштирокни кенгайтириш зарурлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилиш якунида Ўзбекистон ва Беларуснинг етакчи университетлари ва профессионал ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Хусусан, Ўзбекистон Миллий университети ва Витебск давлат университети ўртасида илмий-инновацион ҳамкорлик тўғрисида келишувга эришилди.

Шу каби келишувлар Андижон давлат университети ва Гродно давлат университети, Фарғона техника университети ва Гомель техника университети, Бухоро техника университети ҳамда Беларус озиқ-овқат ва кимёвий технологиялар университети, Термиз муҳандислик ва агротехнологиялар университети ҳамда Витебск технология университети ўртасида имзоланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси ва Беларус журналистлар уюшмаси ўртасида профессионал ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

«Халқ сўзи».



Президентимиз Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида қатнашиб, муҳим сиёсий ва иқтисодий ташаббуслар билан чиқди. Мамлакатимиз етакчиси томонидан илгари сурилган ғоя ҳамда таклифлар нафақат миллий манфаатларимизни, балки бутун ШХТ маконидаги барқарор тараққиёт, хавфсизлик ва инновацион ривожланишни кўзда тутгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

МИНТАҚАВИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

Президентимиз ўз нутқида хавфсизлик соҳасидаги муаммоларни ШХТнинг энг устувор йўналишларидан бири сифатида таъкидлар экан, ядровий хавфсизлик бўйича кўп томонлама шериклики мустаҳкамлаш ташаббусини илгари сурди. Ушбу ташаббус доирасида ШХТ декларациясини қабул қилиш таклиф этилди. Бу таклиф БМТ шафелигидаги глобал хавфсизлик механизмлари билан уйғунлашган ҳолда, халқаро миқёсда муҳим сиёсий ташаббус сифатида баҳоланмоқда.

Иқтисодий йўналишда ҳам давлатимиз раҳбари томонидан жиддий таклифлар ўртага ташланди. Жаҳон иқтисодиётидаги тенденциялар фонидида савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, ишончли ишлаб чиқариш ва логистика занжирларини яратиш, ўзаро сармояларни рағбат-

лантириш ва стратегик аҳамиятга эга минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, “яшил” энергетика соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш таклифлари ҳам инновацион ва барқарор ривожланиш тамойилларига мос келади. Бу ташаббуслар минтақавий иқтисодиётда янги иш ўринлари яратиш, технологиялар трансфери ва умумий иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, ишончли ишлаб чиқариш-логистика занжирларини ривожлантириш ва ўзаро сармояларни рағбатлантириш мақсадида ШХТ доирасида Стратегик материаллар бўйича минтақавий марказ, Энергетика консорциуми, стартап ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда илгари суриш учун венчур компаниялари ва жамғармалари тар-

моғи, бизнес бўйича мулоқотларни йўлга қўйиш ва инвестицияларни илгари суриш учун Махсус электрон портал каби бир қатор янги кўп томонлама тузилмалар ва кооперацияни қўллаб-қувватлаш воситаларини жорий этиш таклиф қилинди. Бу лойиҳалар ШХТнинг технология ва транспорт соҳаларидаги алоқаларини самарали ташкиллаштириш, инновацион салоҳиятини ошириш ва минтақавий бозорни интеграциялашда муҳим аҳамият касб этади.

Иқлим ўзгариши, “яшил” трансформация ва сунъий интеллект каби глобал муаммоларга эътибор қаратилгани ҳам Ўзбекистон глобал масалаларда масъулиятли иштирокчи сифатида намоён бўлаётганини кўрсатмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик йўналишидаги ташаббуслар ҳам алоҳида эътиборга молик. Айниқса, ШХТ доирасида

маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, таълим соҳасида ШХТ университети учун онлайн кампус яратиш, ёшлар ўртасида илмий ва ижодий танловлар ташкил этиш, шунингдек, туризм, айниқса, тиббиёт туризмининг ривожлантириш бўйича лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш таклифлари инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли стратегиянинг муҳим қисми сифатида намоён бўлди. Бу ташаббуслар орқали ШХТ мамлакатлари ўртасидаги маданий ва таълимий алоқалар янада кенгайди, ёш авлод учун янги имкониятлар яратилади ва минтақа халқлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва англашув мустаҳкамланади.

Тяньцзиньда бўлиб ўтган ШХТ саммитида Ўзбекистон Президенти илгари сурган ташаббуслар ташкилотнинг нафақат бугунги, балки стратегик келажакни белгилашда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Барқарор ривожланиш, хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик ва инсонларварлиқни ўзида муккасман этган бу ташаббуслар янги Ўзбекистон фақат минтақавий эмас, балки халқаро миқёсда ҳам фаол ва масъулиятли шерик эканини яна бир бор намоён қилмоқда.

Қўтбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофас ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

Саммитнинг энг муҳим натижаси Тошкент шаҳрида доимий фаолият юритадиган орган — ШХТга аззо давлатларнинг Хавфсизлик таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича марказини ташкил этиш ва бунинг ортидан Ахборот хавфсизлиги маркази ҳам фаолият бошлаши бўлди. Энди Тошкент нафақат минтақа, балки бутун ШХТ маконида хавфсизликнинг асосий таянчига айланади.

Президентимиз ташаббусларини ШХТга аззо давлатлар раҳбарлари ва саммит иштирокчилари қўллаб-қувватлади. Бунинг асосий сабаби, халқаро кун тартиби учун Ўзбекистон раҳбари томонидан қўйилаётган ҳар бир масала минтақавий аҳамиятга эга экани ҳамда барча мамлакатлар манфаатлари учун мос келганидадир.

Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ, ЮРТ РАВНАҚИ — УСТУВОР МАҚСАД

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 34 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида мамлакатимизда сўнгги саккиз йилда эришилган ютуқлар, жадал ислохотларга тўхталиб, мустақиллик берган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида чуқур ҳис қилиб, бу имкониятлардан кенг фойдаланаётганини таъкидлади. Келтирилган рақамлар, аниқ кўрсаткичлар ҳар биримизнинг қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Мушоҳада

Дарҳақиқат, охириги йилларда Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган оқилона сиёсат халқимизнинг фаровон ҳаётга эришишга бўлган озуралирини рўёбга чиқармоқда. Аҳолининг турмуш сифати яхшиланиб, реал даромади кун сайин ошяпти. Хусусан, дунёдаги мураккаб, кескин рақобат вазиятларига қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиёти 6 фойиздан юқори суръатларда барқарор ўсмоқда.

Кейинги саккиз йилда ялпи ички маҳсулот 2 карра ошиб, ўтган йили 115 млрд. долларга, экспорт ҳажми 26 млрд. долларга етди. Йил якуни билан ялпи ички маҳсулотимиз 130 млрд. доллар бўлиши кутилмоқда. Давлатимизнинг олтин-валюта захиралари илк бор 48 млрд. доллардан ошди. Сўнгги саккиз йилда юртимизга қарийб 130 млрд. доллар хорижий инвестициялар кириб келди.

Бугун биз ушбу ўзгаришларни ҳаётимиз фаровонлигига, иқтисодиётимиз тараққиётида, фарзандларимиз эришаётган ютуқларда кўриб турибмиз. Айниқса, шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган минглаб замонавий уй-жойлар, корхоналар, заводлар, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма объектлари кўзга кунатади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ютуқларимиз негизида халқимиз, айниқса, тадбиркорларимизнинг фидоқорона меҳнати муккасман эканини алоҳида эътироф этди. Айтилгандек, янги Ўзбекистонда тадбиркорлик иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, олдинга бошловчи катта кучга айланди. Уларнинг иштирокида юз минглаб иш ўринлари яратилмоқда.

Эътиборлиси, бу йил жами 35 млрд. доллар инвестиция эвазига 9 мингга яқин янги корхона, хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилди. Энг улуғ байрамимиз арафасида 4 млрд. долларлик 79 та йирик объект ишга туширилди.

Ўтган даврда биргина кичик ва ўрта тадбиркорлар сони 2 карра кўпайди. Бугун ушбу тармоқда 10 миллиондан кўп аҳоли иш меҳнат қилиб, даромад топтомоқда. Жорий йилнинг саккиз ойида 5 млн. аҳоли иш билан таъминланди. Ушбу ишлар изчил давом этмоқда.

Бу кўрсаткичлар инсонларнинг ўз кучи-

га, мамлакатимиздаги залварли ўзгаришларга ишончини оширмоқда. Натижада шу йилнинг ўзида четда ишлаётган 700 минг фуқаро юртимизга, ўз оиласи бағрига қайтди. Шубҳасиз, улар мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ютуқлардан бири — туризм соҳасида кўлга киритилди. Мамлакатимиз дунёга кенг очилганидан сўнг хорижий сайёҳлар сони ўтган йили 10 млн. кишидан, туризм хизматлари экспорти эса 3 млрд. доллардан ошди. Ушбу ўзгаришлар бежиз эмас, албатта. Бунинг негизини халқимизнинг бебаҳо маданий бойликлари, меҳмондўстлиги, аждодларимиз яратган мислсиз маънавий мерос ташкил этади.

Президентимиз нутқида сифатли таълим, тиббиёт, энергетика, рақамлаштириш, ёшлар, спорт, ташқи сиёсат каби долзарб йўналишлардаги ижобий ўзгаришлар аниқ рақамлар асосида кўрсатиб берилди. Шу билан бирга, мамлакатимизни янада тараққий эттириш бўйича муҳим вазифалар ҳам айтиб ўтилди.

Ушбу вазифалар қаторида халқимиз фаровонлигига салбий таъсир қилаётган коррупция, бюрократия, дабдабаозилик, маънавий таҳдидларга қарши курашиш ҳам алоҳида ургунланди.

Афсуски, ушбу иллатлар жамият ҳаётида у ёки бу кўринишда учраб туради. Биз бир халқ, бир миллат бўлиб, ушбу зарарли унсурларга қарши курашмасак, улар тараққиётимизга ғов бўлади. Натижада юсак чўққиларни забт этолмаймиз. Бу йўлда ҳар бир депутат ва Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган фуқаролар муносиб ҳиссасини қўйишлари аниқ мудидадир.

Сўнгги саккиз йилда янги Ўзбекистонни барпо этишда улкан тажриба тўпланди. Фуқароларда янгиҳа қараш, мамлакатимиз барқарор тараққиётига ишонч пайдо бўлди. Учинчи Ренессанс сари дадил амалий қадамлар қўйилди. Олдимизда масъулиятли вазифалар ва ечимини кутаётган айрим масалалар ҳам йўқ эмас. Ушбу йўлда “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғоя асосида бирлашиб ҳаракат қилсак, албатта, қўзланган мақсадга эришамиз.

Хушвоқт ХАЙИТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ИЛМГА ВА ВАТАНГА САДОҚАТ ҲАР ҚАНДАЙ СИНОВЛАРДАН УСТУН

Ҳар қандай мамлакат тараққиёти инсон манфаатларига, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига олий қадрият, устувор мақсад сифатида қаралишига бевосита боғлиқ. Мамлакатимизда ҳам бу борада олдимизга қўйилган қатъий талаб, кучли сиёсий ирода асосида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Эхтиром

Бинобарин, янги таҳрирдаги Конституциямизда “Инсон қадрини улуғлашдек эзгу гоя ижобатига хизмат қилиши бугунги даврнинг энг олий талабидир. Зеро, инсон қилган меҳнатига муносиб қадр топгандагина жамият ва давлат уйғунликда ривожланади. Президентимиз бошлаб берган учинчи Ренессансининг пойдеворини қуришда буюк аждодларимизнинг бой илмий, маънавий меросини қадрлаш, илм-фанни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган алломаларимизни ҳаёт гавҳаридек улуғлаш, уларнинг истеъдодини тенгсиз мўъжиза сифатида дунёга таратиш каби хайрли ишларга катта аҳамият берилётгани беҳиз эмас. Айниқса, узок ва яқин тарихимиздаги буюк аждодларимизга нисбатан адолат тарозуси билан баҳо берилаётгани, ёдимиздан кўтарилаётган олимларимиз меросига алоҳида эътибор қаратилаётгани юксак инсонпарварлик сиёсатининг амалий ифодасидир.

Президентимизнинг “Ўзбекистонда илм-фан, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум олим ва ижодкорларни муқофотлаш тўғрисида”ги Фармони юртимизда инсон қадрини улуғлаш, аждодлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг ибратли ишларини кенг тарғиб этиш борасидаги эзгу сазй-ҳаракатларимизнинг ёрқин намунаси бўлди, десак, адолатдан бўлади.

Восил Қобуловни афсонавий шахс, ўзбек кибернетикасининг отаси, десак, муболага бўлмайди. Математика ва механика соҳасидаги изланишлари устозни ўша давр учун мутлақо янги фан — кибернетикага олиб кирди, ўтган асрнинг 60 — 70-йилларида у алгоритмик механика, деб номланган янги йўналишга асос солди. Бу йўналиш орқали аввал ечилмай келган кўпгина масалаларни электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида ҳал этиш имкони яратилди. Бу эса Ўзбекистон-



Мукофотланганлар қаторида ўзининг кўп йиллик самарали илмий фаолияти, ёрқин ва бетакрор истеъдоди, халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда фидокорона хизмат қилиб, авлодларга бой мерос қолдирган, сермазмун ҳаёти ва инсоний фазилатлари билан эл-юрт хотирасидан чуқур жой эгаллаган марҳум олим Восил Қобулович Қобулов ҳам “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирлангани устознинг барча шоғирдлари қатори мени ҳам чексиз тўлқинлантириб юборди.

Бу мукофот нафақат олимнинг илмий меросига берилган юксак баҳо, балки унинг ҳаёти ва фаолияти давомида кўрсатган фидойилиги, миллий илм-фанга қўшган улкан ҳиссасининг эътирофидир.

Восил Қобуловни афсонавий шахс, ўзбек кибернетикасининг отаси, десак, муболага бўлмайди. Математика ва механика соҳасидаги изланишлари устозни ўша давр учун мутлақо янги фан — кибернетикага олиб кирди, ўтган асрнинг 60 — 70-йилларида у алгоритмик механика, деб номланган янги йўналишга асос солди. Бу йўналиш орқали аввал ечилмай келган кўпгина масалаларни электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида ҳал этиш имкони яратилди. Бу эса Ўзбекистон-

да ҳисоблаш техникаси ва дастурлаш борасидаги илк қадамлар эди. Олим дастлаб Механика институтига, кейинчалик Кибернетика институтига раҳбарлик қилди. 1978 йилда эса собиқ иттифокда ноёб бўлган “Кибернетика” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига асос солди. Бу марказда фан, ишлаб чиқариш ва технологиялар бирлашиб, мамлакатимиз учун муҳим дастурий ва амалий ишланмалар яратилди. Мана шу фидокорона меҳнат натижасида юзлаб-минглаб миллий кадрлар етишиб чиқди. Унинг ташаббуси билан олийгоҳларда амалий математика, автоматика, иқтисодий кибернетика каби факультетлар ташкил этилди. Шу орқали ўзбек ёшлари янги билим ва малакага эга бўлдилар. Бизнинг фан соҳасида мустақил авлод сифатида шаклланишимизга ҳам устознинг меҳри ва меҳнати эвазига яратилган илмий муҳит сабабчи бўлган, десам, аини ҳақиқатдир.

Олимнинг илмдаги йўли доимо осон кечган, деб бўлмайди. Урушдан кейинги қийинчиликлар, кейинчалик эса 1980 йиллардаги “пахта иши” даврида унга асоссиз айбовлар қўйишга уринишлар бўлди. Миллий кадрларни тайёрлашга кўп эътибор қаратгани учун уни миллатчиликда айбловга уринишлар ҳам бўлган. Бироқ бу синовлар унинг илмга садоқатини сўндира олмади. Охириги нафасигача фан ва ўзи яратган мактабни сақлаб қолиш учун курашди.

Академик Восил Қобуловдан жуда катта илмий мерос қолди. У 20 дан ортик монография ва 400 дан зиёд илмий мақолалар чоп этган. Шунингдек, “Физик мўъжизаси”, “Кибернетика ва биология”, “Кибернетика ва биосфера”, “Инсон ва ЭҲМ” каби оммабоп китоблар муаллифидир. Устознинг асосий гоёси — илм жараёнини алгоритмлаштириш ва ижодий жараёнини автоматлаштириш гоёлари бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмагани, энг замонавий IT ва сунъий интеллектда ҳам ақсини топаётганини кўришимиз мумкин.

Олим ўзининг илмий изланишларини аждодларимиз илмий мероси

билан, хусусан, Муҳаммад ал-Хоразмийнинг математик назариялари билан узвий боғлашга интилди. Унинг механика масалаларини алгоритмлаштириш, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, ҳисоблаш математикаси, иқтисодиёт соҳаларида автоматлаштирилган бошқариш тизимларини яратиш, математик, техник, иқтисодий, тиббий ва биологик кибернетика йўналишларини ривожлантириш борасида фидойилик кўрсатгани эътирофга лойиқ.

Восил Қобулов раҳбар ва устоз сифатида ҳам энг яхши фазилатларга эга эди. Раҳбар сифатида оддий техник ходимдан тортиб, академик билан ҳам бир хил — содда ва самимий мулоқот қиларди. Устоз шоғирдларига доимо “Ҳақиқий олим ақлий салоҳиятни юксак маънавий сифатлар билан уйғунлаштириши керак”, деб уқитар эди.

Унинг совет космонавтикасини барпо этишда қатнашган, Гагариннинг катапульта креслосини ихтиро қилган Ота Мехрибонович Бахромо-вич муқобил (шпиндлсиз) пахта териш машинасини яратиш бўйича ҳаракатларини қўллаб-қувватлагани ҳам алоҳида эътиборга молик. Гап шундаки, Ота Мехрибонович нафақага чиқиб Ўзбекистонга қайтган, термичлар меҳнатини энгиллаштириш учун тамоман янги принципдаги пахта териш машинасини яратишни ният қилган эди. Бундай катта “риск”ли ишни совет тузуми даврида қўллаб-қувватлаш жиддий оқибатларга олиб келиш хавфи борлигига қарамасдан, В. Қобулов янги пахта териш машинасининг илк намунаси ихтиросига катта ҳисса қўшди. Машина синовлардан ўтиб, пахтани дефолиациясиз ва қўл меҳнатисиз йиғиш мумкинлигини исботлади. Лекин ўша пайтдаги айрим раҳбарларга бу маъқул келмасдан Ота Мехрибон-

вични “аллақандай фантазиялар билан шуғулланганлик”да айблаб, қаттиқ танқид қилишди. Юрий Гагарин космосдан қайтганда биринчи бўлиб қарши олган улуг инсон учун бундай асоссиз танқид қаттиқ маънавий ва руҳий зарба бўлган. Кўп ўтмай, Ота Мехрибонович вафот этди ва агрегат амалиётга қўнмай қолиб кетди. Кейинчалик, орадан ўн йиллар ўтиб, айнан мана шу ихтирони исроиллик конструкторлар Ўзбекистонда реклама қилишгани ёдимда.

Ўзбекистонда бир муддат фанга бўлган эътиборнинг сусайиши, соҳада валонтаристик ислохотлар ўтказилиши натижасида “Кибернетика” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси республикаимиздаги қўллаб-қувватлаш бўлими муассасалар сингари йўқ қилиб юборилди. Эркин ижодий фикр учун муҳтнинг йўқотилиши натижасида олим ва тадқиқотчилар “кўча”да қолди.

Бироқ янги Ўзбекистонни яратишдек юксак мақсадни кўзлаган Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бу йўналишда вазият кескин ўзгартирилди. Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг шахсан ташаббуслари билан рақамли технологиялар, рақамли иқтисодиёт, дастурлаш, сунъий интеллект масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши давлат ва жамият бошқаруви самардорлигига, ижтимоий соҳа равнақига, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни барқарор ривожлантиришга имкон яратмоқда.

Академик Восил Қобулов ва бошқа бир қанча марҳум олим ҳамда иходкорларнинг ўз ҳаётини фанга, Ватанга ва халққа бағишлаб қилган хизматларини муносиб тақдирлаш инсон қадрини улуғлашдек ҳаётий тамойил рўбга чиқарилаётганининг ёрқин намунасидир.

Президент тақдим этган юксак мукофот — уларнинг номини абадийлаштириш билан бирга, ўсиб келаётган ёш авлод учун ибрат мактабидир. Шу ўринда Восил Қобуловнинг “Илмга ва Ватанга садоқат ҳар қандай синовлардан устун келади”, деб айтган ибратли сўзлари устозимиз қолдирган энг муҳим сабоқдир.

Шарофиддин НАЗАРОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Ибрат



ТАДБИРКОР ЎЗ МАБЛАҒИДАН ЎҚУВ БИНОСИНИ ҚУРДИ

Замонавий мактабларни қуриш ва таъмирлашда таълим муассасаларининг собиқ ўқувчилари ҳам ташаббускорлик кўрсатмоқда. Хусусан, тadbirkor Илҳом Рустамов Самарқанд шаҳридаги ўзи ўқиган 52-умумтаълим мактаби учун 540 ўринли ўқув биноси қуриб, фойдаланишга топширди. Бунинг учун 15 миллиард сўм сарфланди.

Бундан ташқари, тadbirkorнинг сазй-ҳаракати билан мактабнинг 960 ўринли эски биносидида мукамал таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилди. Янги 4 қаватли бино ўқув ва касб-ҳунарга ўргатиш, ахборот технологиялари, чет тилларини чуқур ўқитиш хоналари, кутубхона ва ошхона ҳамда спорт майдонларидан иборат.

Янги бинонинг тантанали очилиш маросимидида вилоят ҳокими вазифасини баҳарувчи Адиз Бобоев, шаҳар фаоллари, мактаб ўқитувчилари, маҳалла нурунийлари ҳамда ота-оналар иштирок этди. Тадбирда сўз олганлар маҳалла ахли ва мактаб педагогик жамоасини мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги ҳамда янги ўқув биносининг фойдаланишга топширилиши билан самимий табриклади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

«Халқ сўзи».

МАКТАБ — БУ МЎЪЖИЗА

Китоб, устозлар ўтадиган ҳар бир дарс — бекиёс хазина



Ақоли МУҲАММАДОВ ва Юсуф БУРИЁВ отагон суратдор.

лимга ва устозларга юксак эътибор ва эҳтиромнинг ифодасидир.

Дарҳақиқат, “Янги Ўзбекистон — мактаб оstonасидан бошланади”, деган эзгу гоя асосида таълим соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан юзлаб мактаблар қад ростлади. Президент мактаблари, ижод мактаблари фаолият олиб бормоқда, ихтисослаштирилган мактаблар тармоқлари кенгайтирилди. Ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнат шaroитини яхшилаш ҳамда малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди. Бу каби ислохотлар таълим муассасаларида ўқиб-қизиларимиз сифатли таълим-тарбия олишига хизмат қилиши мумкин.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ахборот хизмати тақдим



Барча-барча ҳамюртларимиз томонидан энг орзиқиб кутиладиган байрамларимиздан бири — Мустақиллик шодийнаси! Бу байрам, айниқса, янги ўқув йили бошланишини сабрсизлик билан кутган ўғил-қизлар учун алоҳида маъно-мазмун касб этади. Зеро, юртимизда истиқлол тантаналарига ҳамоҳанг равишда янги ўқув йилига ҳам старт берилди. Илм талаби — машаққатли йўл, байрамона кайфиятда йўлга отланиш эса ёшларимизга кўтаринки руҳ, куч-ғайрат бағишлаши, шубҳасиз.

Жараён

Янги ўқув йили фарзандларимиз ҳаётида янги саҳифа, янги имкониетлардир. Шу маънода, 2 сентябрь куни Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида биринчи кўнгиорқ садолари жаранглаб, янги ўқув йили бошланди. Мактаб оstonасидан илк бор ҳатлаётган 720 минг нафардан ортик биринчи синф ўқувчилари ҳамда уларни мактабга бошлаб келган ота-оналарнинг қувончини сўз билан тасвирлаб бериш мушкул. 12 номдаги ўқув жиҳозларидан иборат “Президент совғаси” топширилиши болажонларга янада юкори кайфият бағишлади.

Мактабларда дастлабки “Келажак соати” дарсларида “Ватан учун,

миллат учун, халқ учун!” шиори остида сабоқлар берилди. Дарсларда истиклолнинг ҳаётимиздаги ўрни, мамлакат тараққиётида ёшлар масъулияти, “Янги Ўзбекистон” гоёси ва истикболлари ҳақида атрофлича сўз юритилди. Ушбу ўқув соатлари аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мактаб ўқувчилари ва устоз-мураббийларига табриги ўқиб эшиттирилди. Табрикда “Олдингизга аниқ мақсад қўйиб, бор куч-ғайратингиз, билим ва қобилиятингиз билан ҳаракат қилсангиз, кўзлаган марраларга албатта етасиз”, дея мамлакатимиз раҳбари Билимлар куни муносабати билан ёшларга илм-маърифат йўлида муваффақиятлар тилади. Бу, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарининг таъ-

Юртимизда «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан «Менинг биринчи кутубхонам» лойиҳасига старт берилди.



Велоспортчиларимиз Осиё кубогида иккинчи бўлди

Тайланднинг Супханбури шаҳрида велоспортнинг трек йўналиши бўйича Осиё кубоги бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этиб, 3 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медалларини жамғарди.

Ушбу натижа билан ҳамюртларимиз йигирмадан ортик давлатлар вакиллари орасида умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди.

Боксчиларимиз Ливерпулда

4 — 14 сентябрь кунлари Англиянинг Ливерпуль шаҳрида бокс бўйича катталар ўртасида “World Boxing” ташкилоти томонидан илк маротаба жаҳон чемпионати ўтказилади.



Ушбу дунё биринчилигида 60 давлатдан жами 500 нафардан зиёд боксчилар медаллар учун рингга кўтарилади. Жаҳон чемпионати фаворитларидан ҳисобланган Ўзбекистон терма жамоаси Англияда ўқув-машғулот йиғинини якунлаб, Ливерпулга етиб борди.

Жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини ўз вазн тоифаси бўйича Шодиёрхон Мелиқўзиев, Миразизбек Мирзахалилов, Абдумалик Халокос, Асадхўжа Мўйдин-хўжаев каби ўнлаб боксчиларимиз ҳимоя қилади.

Академик эшак эшувчиларимизда 12 та медаль

Хитойда бўлиб ўтган академик эшак эшиш бўйича “U19” ва “U23” ёш тоифаларида Осиё чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам муносиб қатнашди.



Ушбу нуфузли мусобақанинг сўнгги кунида “JW2” йўналишида Айдаана Сметулаева/Райхон Сатторова тандеми, “JM4” пойғаларида Аъзам Эшмуродов, Шахриёр Шари-фов, Бехрўз Вас-лиддинов, Али Ҳадисов тўртлиги олтин медалга эга чиқди. Шунингдек, “BM8+”, “BM4X” ва “JM2” тоифаларида вакилларимиз кумуш медални кўлга киритди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон “U19” ва “U23” ёш тоифасидаги терма жамоамиз умумий ҳисобда 5 тадан олтин ҳамда кумуш ва 2 та бронза медалларига сазовор бўлди.

III туркий давлатлар универсиада ўйинлари мезбони — Чўлпонота шаҳри

3 — 9 сентябрь кунлари Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида талабалар ўртасида III туркий давлатлар универсиада ўйинлари бўлиб ўтади.

82 нафар талаба-спортчи, мураббий ва мутахассислардан иборат Ўзбекистон спорт делегацияси ушбу мусобақада иштирок этади. Универсиада ўйинларида Қирғизистон, Қозоғистон, Туркия, Озарбайжон ва Ўзбекистон жамоалари қатнашиш талабномаларини тақдим қилган.

Ўйинлар дастурига мувофиқ, мусобақалар еттита спорт тури — шахмат, стол тенниси, волейбол, дзюдо, эркин ва юнон-рум кураши ҳамда футзал бўйича ўтказилади. Мазкур универсиада ўйинларида мамлакатимиз талаба-спортчилари дастурдан ўрин олган барча йўналишларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 942. 10 704 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўлашмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-ўй.

Навбатчи муҳаррир — С. Маамиров.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.52 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6